

**Zafar X. FAKHRIDDINOV,**  
*Head of the Department of Research on  
Contemporary Islam of the Imam Maturidi International  
Scientific Research Center.  
A.Kadiri str. 11, 100011, Tashkent, Uzbekistan.  
E-mail: [z.fahriddinov@iiaau.uz](mailto:z.fahriddinov@iiaau.uz)*

## «ВУЖУХ ВА НАЗОИР» ИЛМИ ҚУРЪОН ИЛМЛАРИНИНГ МУҲИМ ТАРМОҒИ СИФАТИДА

## «ВУДЖУХ И НАЗАИР» КАК ВАЖНАЯ ДИСЦИПЛИНА КОРАНИЧЕСКИХ НАУК

## «WUJUH AND NAZAIR» AS AN IMPORTANT DISCIPLINE OF THE QURANIC SCIENCES

### КИРИШ

Ислом динининг муқаддас манбаси Қуръони карим илк ислом давридан ҳозирги кунга етиб келган ягона ёзма манба ҳисобланади. Қуръоннинг наср ва назмининг қоришувидан (сажъ) иборат ўзига хос услуби, таркибий тузилиши, шакл ва мазмун уйғунлиги, Қуръондаги сўзлар, атамалар, бирикмалар, жумлалар ва фразеологизмлар араб тили балоғатининг юксак намунаси сифатида эътироф этилган.

Қуръон мумтоз араб тилида нозил бўлиши билан бир қаторда, уни янги тушунчалар, аввало, диний мазмун билан бойитди. Қуръоннинг ўзига хос хусусияти ҳам шундаки, кўп ҳолларда гаплар ичидаги полисемик сўзлар ўз кўпмаънолигини йўқотмайди. Қуръон назмининг равшанлиги кўплаб оятларнинг турфа маъноларга ва бир неча эквивалент тафсирларга эга бўлишига ҳалал бермайди (E. Kuliyeu, 2010:155).

Қуръон лексикаси (араб. معجم القرآن) араб тили таркибига кирувчи сўзлар мажмуи, араб тилининг луғат бойлиги, шевалари, давр воқеликларини ўзида акс эттирган ноёб хусусиятга эга. Ўрта асрларнинг “тарожим” (биографик) асарларида Қуръон луғатига оид дастлабки рисоалардан бири Обон Бакрий (ваф.758) томонидан тузилганини қайд этадилар. Муфассирлар Қуръоннинг ҳар бир сўзи маъно жиҳатдан ифодалилигини, товуш жиҳатдан гўзал ва шаклан бенуқсон эканини

таъкидлайдилар. Қуръонда учрайдиган баъзи сўзлар “камёб” (ғариб) деб таснифланиши мумкин, лекин улар ҳам оятлар контексти билан ҳамоҳанг бўлиб, умумий маънони кучайтириб беради. Бошқа кўплаб тилларда бўлгани каби араб тилида ҳам бир неча маънога эга бўлган сўзлар ҳамда шаклан фарқ қилувчи, лекин маъноси яқин бўлган сўзлар бор.

Шу билан бирга, айнан илк ислом давридаёқ Қуръондаги айрим ўринлар изоҳталаб бўла бошлаган. Исломда бу ҳолатнинг турли сабаблари баён қилинган. Хусусан, Қуръонда араб қабилалари орасида кенг тарқалган турли лаҳжадаги сўзларнинг аралаш келиши, айрим ўринларда мажоз қўлланилиши муайян оятларни саҳобийларнинг тушунишларида қийинчилик туғдирган. Бу эса, тушунилмай қолган оятларнинг изоҳига эҳтиёжни пайдо қилган. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам тириклик чоғида бундай оятлар ёки оятларда келган сўзларнинг маъносини бевосита Пайғамбаримизнинг ўзларидан сўраб, билиб олиш имкони бўлган. Кейинчалик ушбу қисқа изоҳларни ўз ичига олган ҳадислар тўпланиб, Қуръон оятларини изоҳлашга бағишланган мумтоз ислом фанларидан бири – тафсир илмига асос сифатида хизмат қилган.

### АСОСИЙ ҚИСМ

Саҳиҳ манбаларда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам тириклик чоғларидаёқ Қуръонда келган айрим сўзларнинг маъноларига изоҳ ва шарҳлашга эҳтиёж сезилгани, бундай ҳолларда саҳобийлар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзларига мурожаат қилиб, батафсил жавобни олганлари ҳақида ривоятлар учрайди. Масалан, “Саҳиҳи Бухорий”да келган, Қуръонда тун ва тонгнинг “оқ ип” ва “қора ип” сўз бирикмаси билан ифодалангани борасидаги ҳадис маълум ва машҳур. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам шарҳлаб бергунларига қадар саҳобийлар бу сўз бирикмаси кўчма маънога эга эканини тушунмай юрганлар (Imom Vohotiy, 1995:162).

Саҳобийлар даврида ҳам айрим сўзларга изоҳ ва шарҳлаш ишлари давом этган. Хусусан, “Қуръон таржимони” номи билан машҳур саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу араб шеърини билимдони сифатида кўплаб камёб сўзларнинг маъноларини очиб берилишига катта ҳисса қўшган (R. Obidov, 2003:39–42). Бунинг учун араб лаҳжалари ва жоҳилият даври шеъринини яхши билиш талаб этилган. Бундан диний матнлар луғатшунослиги ислом таълимотида мустаҳкам



**Аннотация:** Мазкур мақолада мумтоз Қуръон илмлари таркибидаги муҳим тармоқларидан бири бўлган “вуҷух ва назоир” илми ҳақида маълумот берилган. Мақолада келтирилаётган маълумотлар ва мисоллар ҳозирги кун қуръошунослиги учун муҳим. Сабаби, ҳозирда ушбу соҳа Қуръон илмларига оид замонавий адабиётларда деярли учрамайди. Мақолада “вуҷух ва назоир” илмининг тарихи, ривожси, ушбу соҳада ижод қилган олимлар, мазкур соҳанинг ўзига хос жиҳатлари ва аҳамияти, соҳага оид асарлар, бугунги кунда олиб борилаётган тадқиқотлар ҳақида маълумот берилган. Шунингдек “вуҷух ва назоир” илми борасидаги тадқиқотлар, соҳага оид асарлардан баъзи мисоллар, “вуҷух ва назоир”нинг аҳамияти нималарда кўринаши, қандай мисолларни “вуҷух” дейиши мумкин каби бир қатор масалалар очиб берилган. Бундан ташқари “назоир” ва “вуҷух”ларнинг таҳлилий жиҳатдан ёритилишига алоҳида ўрин ажратилган. Масалан, муфассирлар бир сўзнинг Қуръонда одамларга ва ҳайвонларга фойда келтирадиган қўплик шаклида фойдали, яқсон қилувчи ва вайронкор ҳодиса ҳақида сўз юритилганда эса бирлик шаклида ишлатилиши зарарли ҳолатларни баён қилишига эътиборни қаратадилар. Айрим сўзлар қўплик шаклда қўлланилса, неъмат, бирлик шаклида эса – уй ва экинларни вайрон ва пайҳон қилиб кетувчи маънога эга бўлиши кўрсатиб берилган. Ҳаким Термизийга мансуб “Таҳсил назоир ал-Қуръон” асарида “вуҷух ва назоир” илмига оид ёндошувлар ҳам қисқа ёритиб ўтилган. Мақолада Муқотил ибн Сулаймон, Жалолуддин Суютий, Бадруддин Заркаший, Халил Аҳмад Фароҳидий, Яҳё Нававий каби мумтоз алломалар меросидан кенг фойдаланиши билан бир қаторда, С. Аво, А. Атеш, А. Абдурахмон, Н. Мунажжид, Э. Кулиев каби замонавий тадқиқотчилар асарларидан ҳам унумли фойдаланилган.

**Калит сўзлар:** Қуръон, Қуръон илмлари, вуҷух, назоир, тафсир, шарҳ, тақин, лафз, маъно, исм.

**Аннотация:** В данной статье представлена информация об одной из важных областей классических коранических наук - «wujuh and nazair». Информация и примеры, представленные в статье, важны для современных исследований Корана. Дело в том, что сейчас эта область практически не встречается в современной литературе по наукам о Коране. В статье представлена информация об истории области «wujuh and nazair», ее развитии, ученых, которые работали в этой области, особенностях и значении этой области, работах, связанных с этой областью, исследованиях, проводимых сегодня. Также раскрываются суть исследований в области «wujuh and nazair», некоторые примеры из работ, связанных с этой областью, в чем проявляется важность «wujuh and nazair», какие примеры можно назвать «wujuh». Кроме того, особое место отводится анализу терминов «nazair» и «wujuh». Например, комментаторы обращают внимание на то, что употребление одного слова в Коране в форме множественного числа придает значения данному слову при упоминании полезного природного явления, которое приносит пользу людям и животным, а в форме единственного числа разрушительного и смертоносного явления, объясняет вредные обстоятельства. Если некоторые слова употребляются во множественном числе, то показано, что благословение, в то время как в форме причастия – дом и урожай имеют разрушительное и удручающее значение. В труде «Tahsil nazair al-Quran», принадлежащей Хакиму Термизи, также были кратко освещены стороны, связанные с областью «wujuh and nazair». В статье наряду с широким использованием наследия классических мыслителей, таких как Муқотил ибн Сулейман, Джалалуддин Суютий, Бадриддин Заркаши, Халил Ахмад Фароҳиди, Яхья Навави, также использовались работы современных исследователей, как С. Аво, А. Атеш, А. Абдурахман, Н. Мунажжид, Э. Кулиев.

**Ключевые слова:** Коран, Коранические науки, wujuh, nazair, tafsir, осмысление, толкование, слово, значение, название.

**Abstract:** This article provides information about one of the primary areas of the classical Quranic sciences - «wujuh and nazair». The information and examples presented in the paper are important for modern studies of the Quran. Because, at the present this area is practically not found in the contemporary literature on the sciences of the Qur'an. The article provides information about the history of the region «wujuh and nazair», its development, scholars who worked in this field, the features and significance of this area, works related to this area, and research being conducted today. It also reveals the essence of research in the field of «wujuh and nazair», some examples from works related to this area, the importance of «wujuh and nazair», and samples that can be called «wujuh». In addition, a special place is given to the analysis of the terms «nazair» and «wujuh». For example, commentators draw attention pointing out the use of a single word in the Qur'an in the plural when mentioning a useful natural phenomenon that benefits people and animals, and the use of singular form when referring to destructive and deadly phenomenon, explaining harmful circumstances. It has been shown that if some words are used in the plural, then they have the meaning of blessing, while in singular, it means destructing and depressing the house and the crop. In «Tahsil Nazair al-Quran» by Hakim Tirmidhi, the sides related to the area of «wujuh and nazair» were also briefly highlighted. The article extensively uses the heritage of classical thinkers such as Muqatil ibn Sulaiman, Jalaluddin Suyuti, Badruddin Zarkashi, Khalil Ahmad Farahidi, Yahya Nawawi. It also refers to the books of modern researchers such as S. Avo, A. Atesh, A. Abdurrahman, N. Munajjid, E. Kuliyeu.

**Keywords:** Qur'an, Qur'anic sciences, wujuh, nazair, tafsir, commentary, interpretation, word, meaning, name.



ўрни ва исломий асосларга эга эканини кўриш мумкин. “Кашф аз-зунун”да келтирилишича, “вужух ва назоир”га оид илк рисола ҳам айнан Ибн Аббоснинг мавлоси Икريمةга нисбат берилган (S. Avo, 1998:19).

Қуръон тафсирига оид билимлар вақт ўтиши билан кенгайиб бориб, алоҳида соҳаларга бўлина бошлади. Жумладан, бевосита тафсирга оид асбоб ан-нузул (оятларнинг воқеликка боғлиқ ҳолда тушиши), носих ва мансух (оятларнинг бир-бирининг ҳукмини алмаштириши), мутлак ва муқайяд (оятлар ҳукмининг чекланган ёки чекланмагани), ом ва хос (оятларнинг умумий ва хусусий маънога эгаллиги) каби бир қатор илмий қоидалар ишлаб чиқилди. Буларнинг барчаси бирлашган ҳолда анъанавий “Улум ал-Қуръон” (Қуръон илмлари) фанини ташкил этиб, ушбу фан таркибида “вужух ва назоир” илми деб номланувчи соҳа ҳам бор.

## НАТИЖА

Юқорида айтиб ўтилганидек, Қуръон тили бўлмиш араб тилида ҳам бошқа тилларда бўлгани каби шаклан бир хил ёки ўхшаш бўлса-да, бир неча лексик маъноларни ташувчи сўзлар мавжуд. Қуръон матнидаги бундай ҳолатларни “вужух ва назоир” (ар. الوجوه و النظائر) илми ўрганади.

Ушбу илм тармоғининг вужудга келиши ҳам барча ислом илмлари каби илк ислом даврига бориб тақалади. Хусусан, баъзи ҳадисларда “назоир ал-Қуръон” бирикмаси қўлланилган. Мазкур ҳадисларда Қуръоннинг ҳажман бир-бирига ўхшаш суралари “назоир” деб аталган. Улардан бирида Абдуллоҳ ибн Масъуд, жумладан шундай дейди:

“Мен Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар ракатда иккитадан, ўн ракатда йигирмата сура қилиб, қўшиб ўқиган “назоир”ларни аниқ биламан” (Navaviy, 1929:106).

Ушбу ҳадиснинг бошқа ривоятларидаги узун матнида Қуръоннинг “муфассал”, деб номланувчи ан-Нажм, ар-Раҳмон каби суралари назарда тутилгани баён қилинган (А. Abdurrahmon). Яъни, бу ўринда шаклан ўхшашлик эмас, балки ҳажман ўхшашлик “назоир” атамаси билан аталган. Демак, айтиш мумкинки, “назоир” атамаси саҳобийлар давридаёқ ўзига хос Қуръон истилоҳи сифатида қўлланган.

“Вужух” атамаси ҳам айни маънода бошқа бир ҳадисда зикр этилади. Ушбу соҳада илк тўлиқ асар битган, деб ҳисобланувчи Муқотил ибн

Сулаймон (ваф. 767) санади билан марфуъ, яъни санади Пайғамбаргача кўтарилган ушбу ҳадисни “ал-Вужух ва-н-назоир фи-л-Қуръон ал-азим” асарига муқаддима ўлароқ ривоят қилиб келтирган:

“Кимса Қуръондаги кўплаб ваҳхларни англаб етмагунча фикҳда тўлиқ фақиҳ бўла олмайди” (М. Ibn Sulaymon, 2006:19).

Ушбу ҳадис, айни санад билан Бадруддин Заркашийнинг (1344–1392) “ал-Бурҳон фи улум ал-Қуръон”, Жалолуддин Суютийнинг (1445–1505) “ал-Итқон фи улум ал-Қуръон” асарларида ҳам келтириб ўтилган. Мазкур ҳадис Имом Аҳмад томонидан бошқа санад билан ривоят қилинган. Ҳадис матнидаги “ваҳхлар” (вужух) сўзи нимани англатиши ноаниқ қолгани учун, Муқотил ибн Сулаймон уни бир сўзнинг кўплаб маъноларини билдирувчи атама сифатида англаган ва айнан шу мақсадда келтирган, дейиш мумкин. Имом Суютий эса бу ҳадисдан мақсад, оятларда ботиний маънолар бор эканига ишора, дейди (J. Suuyuti, 2008:301).

“Ваҳх” сўзи саҳобийлар давридаёқ Қуръон атамаси сифатида ишлатилгани ҳақида бошқа бир қанча ривоятлар ҳам етиб келган. Масалан, Али ибн Абу Толиб Ибн Аббосни хаворижлар билан баҳслашиш учун юбораётганида қуйидагича тавсия беради:

“Улар билан Қуръон ила баҳслашмагинки, Қуръон (кўплаб) “ваҳх”ларни (маъноларни) кўтарувчидир – кўп “ваҳх”лари бор, гапирсанг гапираверадилар. Лекин улар билан суннат орқали баҳслашки, улар ундан баҳона топа олмайдилар” (S. Avo, 1998:19).

Муҳаддислар Абу Нуайм ва Доракутний ривоят қилган ҳадисда Ибн Аббос: “Қуръон (кўплаб) ваҳхаларга эга. Уни энг гўзал ваҳхлари узра кўтаринг”, деб тавсия берган.

Юқоридаги жумлалардан “ваҳх – вужух” атамалари Қуръондаги турли маъноларда тафсир қилиниши мумкин бўлган ўринларни англатиши маълум бўлади. Бу атаманинг маъноси илк ислом давридаёқ барча учун тушунарли бўлган. Зеро, манбаларнинг бирор ўрнида “ваҳх” сўзи нима экани ҳақида изоҳ ёки сўроқни учратмаймиз.

Ибн Мунзирнинг машҳур “Лисону-л-араб” изоҳли луғатида “назоир”: “Назоир” (النظائر) “назира” (النظيرة) сўзининг кўплик шакли бўлиб, у шакллар, хулқлар, ишлар ва сўзларда тенглик ва ўхшашликни англатади, деб таърифланади (Ibn al-Munzir, 1883:212).

“Вужух” (الوجوه) эса “ваҳх” (الوجه) сўзининг кўплик шакли бўлиб, унинг “юз”, “жиҳат”, “томон”, “йўналиш” каби луғавий маънолари бор.



Бундан ташқари араблар гапнинг йўналиши, гапдан кўзланган мақсадни “вужух ал-калом” бирикмаси билан ифода этадилар (X. Farohidiy, 2003:350). Ушбу охириги таъриф “вужух”нинг атамавий маъносига энг яқин тушунчани англатади.

Вақт ўтиши билан бу икки атама бирикиб Қуръон илмларидаги янги бир илм тармоғининг номига айланди. “Вужух ва назоир” илми анъанавий ислом илмларидан бири бўлиб, турли муаллифлар ва асарларда қисқа ва батафсил таърифларга эга. “Вужух” ва “назоир” атамалари Қуръон ва тафсир илмининг тармоқларидан бири бўлмиш “ал-вужух ва-н-назоир” бўлимининг таркибий қисмларидир (J. Suyuti, 2008:301).

Тафсир илмида “вужух ва назоир”, деб бир сўзнинг турли ўринларда бир шаклда ва бир хил “ҳаракат” билан, юзаки маъноси бир бўлиб келгани ҳолда бошқа-бошқа маъноларни англатишига айтилади. Муайян бир сўзнинг турли ўринларда шаклан ва луғавий жиҳатдан тенг ва ўхшаш келиши “назоир”, ушбу сўзларга турли ўринларда турли маъно берилишига эса, “вужух” дейилади. Мана шу ўриндаги шаклан ва луғавий бир хилликка “назоир” дейилади. Буни ўзига хос ички (яширин) омонимия ёки полисемия дейиш мумкин.

## МУҲОКАМА

Қуръонда мавжуд полисемия ва синонимияни билиш муфассирлар учун мажбурий ҳисобланган, чунки бусиз оятларни ҳар томонлама тушуниш иложсиз бўлган. Баъзи муфассирлар полисемияни Қуръоннинг ўзига хос мўъжизавийлиги (эъжоз) контекстида ҳам эътироф этишган. Чунки бир сўзнинг йигирмадан ортиқ маъноларда ишлатилиши оддий нутқ учун ғайриоддий ҳол ҳисобланади (E. Kuliyev, 2010:148–160).

Қуръон илмлари борасида фундаментал асар “ал-Бурҳон фи улум ал-Қуръон” муаллифи Бадруддин Заркашийнинг таъкидлашича, баъзилар бир сўзнинг йигирма ёки ундан кўп ё камроқ маъноларда келиши Қуръоннинг мўъжизаларидан бири, деб эътироф этадилар. Чунки бундай ҳолат башарнинг каломида топилмайди (Маълумот учун қаранг: B. Zarkashiy, 2006).

Имом Жалолуддин Суютий, эса “вужух ва назоир” илмида катта ҳажмдаги алоҳида асар таълиф қилиб, уни “Муътарак ал-акрон фи эъжоз ал-Қуръон” деб номлагани мазкур соҳанинг Қуръон мўъжизакорлигини очиб берувчи илм сифатида тан олинганининг белгисидир (Асар учун қаранг: J. Suyuti, 2007).

XIX асрга оид “Абжаду-л-улум” исломий илмлар энциклопедиясида ушбу соҳага қуйидагича таъриф берилган: “Вужух ва назоир” илми тафсир илмининг тармоқларидан бири бўлиб, бир сўз Қуръоннинг турли ўринларида бир хил товуш (“лафз”) ва бир хил “ҳаракат” билан келса-да, ундан ҳар бир ўринда бошқа маъно исталишини англатади. Бир ўринда зикр қилинган ҳар қандай сўзнинг бошқа ўриндаги ўхшаш бу “назоир”дир. Ҳар бир сўзни бошқа-бошқа маъноларда тафсир қилиш бу “вужух”дир. Агар “назоир” сўзларнинг исми бўлса, “вужух” маънонинг исмидир” (S. Qinjaviy, 1978:568).

Юқоридаги таъриф Жалолиддин Суютий ва Бадруддин Заркаший каби “Улум ал-Қуръон” соҳасида тан олинган мумтоз асарларнинг муаллифларида учрайдиган мухтасар таърифларни жамлаб, якуний хулоса сифатида тақдим этилган. Замонавий тадқиқотларда таърифланишича, “вужух ва назоир” Қуръон илмлари таркибидаги бўлим, тафсир илмининг тармоғи бўлиб, муайян сўзнинг контекстга қараб, турли маъноларни англатиб келишини ўрганади (N. Munajjid, 1999:82–83).

“Назоир” сўзларнинг номланиши, “вужух” эса, маъноларнинг номланиши бўлса, “вужух ва назоир”, мавзусидаги асарларнинг ёзилиш сабаби, ўрта аср ислом олимлари “назоир”, яъни ўхшаш сўзларнинг турли ўринлардаги маънолари турлича эканини билдириш эди. Шу сабабдан турли даврлардаги мазкур соҳада илмий ижод қилган олимлар одатда бир Қуръондаги бир сўз неча ўринда неча хил маънода келган бўлса, барчасини батафсил келтириб, санаб ўтишни лозим топганлар. Бу сўзлар “ал-балад” (ар. шаҳар давлат), “ал-қаря” (ар. Шаҳар, қишлоқ), “ал-мадина” (ар. шаҳар), “ар-ражул” (ар. киши), “ал-инсон” (ар. инсон, одам) каби умумий мазмунга, умумийликни ёки ноаниқликни ифода этувчи сўзлардан ташкил топган. Бир оятда келган “ал-балад” сўзи бошқа оятда келган “ал-балад” сўзидан ўзга маънони англатади. Шунингдек, “ал-қаря” сўзи билан баён қилинган шаҳар, бошқа оятда келган “ал-қаря” сўзи билан айнан бир маънода эмас (Ibn al-Javziy, 1987:83).

Қуръон матнининг ўзига хос мўъжизавий жиҳатларидан бири кам сўзлар билан кўп маъноларнинг ифода этилиши бўлиб, унда учрайдиган айрим сўзлар шакл жиҳатдан ҳам, маъно жиҳатдан ҳам бир хил бўлгани ҳолда, контекстдан келиб чиқиб, турли маъноларни англатиши мумкин. Масалан, “шаҳар” маъносини англатувчи “қаря”



сўзи Қуръонда турли ўринларда бир хил шакл ва луғавий жиҳатдан бир – “шаҳар” маъносида келган. Аммо Бақара сураси 58-оятдаги “шаҳар” Қуддус шахрини англатса, Нисо сураси 75-оятдаги “шаҳар” Маккани, Юсуф сураси 81-оятдаги “шаҳар” эса Мисрдаги шахарни, Ёсин сураси 13-оятда эса тафсирларга кўра Антиохияни англатади. Бошқа ўринларда ҳам “қарят” сўзи шаклан ва мазмунан бир хил бўлгани ҳолда, маъно ташиш нуқтаи назаридан ўзгача тафсирларга эгадир.

Юқорида келтирилган таърифлар кўпроқ араб тили қонун-қоидаларига хос баён қилингани учун ўзбек тилида биров соддалаштириб, қайта таърифлашга эҳтиёж сезилади. Ҳар қандай тилда бўлгани каби араб тилида ҳам бир хил шаклга эга, аммо маъно жиҳатдан турли тушунчаларни ташувчи сўзлар учрайди. Масалан, кўпинча “кўз” деган маънода ишлатилувчи “айн” сўзи “булоқ”, “ўзлик” (айнан) деган маъноларда ҳам кенг қўлланилади. Аммо араб тилида бу сўзнинг етмишдан ортиқ камёб маънолари борлигини ҳам қайд этилган. Тилшуносликда бу полисемия дейилиши маълум.

Қуръонда учрайдиган полисемиянинг турлари кўп бўлгани жиҳатидан уларни ўрганувчи алоҳида соҳага эҳтиёж сезилиши табиий. Қуръонда полисемия ва омонимия муаммосини Ибн Форис Розий (ваф. 1004) ҳам ўзининг “Китоб ал-афрод” рисоласида кўтарган. У кўпгина муфассир ва тилшуносларнинг фикрларини умумлаштириб, Қуръон матнида айрим сўзларнинг фақат бир мартагина қўлланиладиган ва бошқа барча қўлланилган ҳолатларидан фарқ қиладиган маъноси борлигини исботлаб берган. Аммо Ибн Форис Розийга қадар муфассирлар “вужуҳ ва назоир” илмига оид кўплаб рисоалар ёзиб бўлган эдилар ва ундан кейин ҳам бу соҳада кўплаб асарлар битилди.

Қуръонда маъно жиҳатдан яқин бўлган сўзларнинг ёнма-ён қўлланиш ҳолатлари жумлаларни семантик жиҳатдан ўта бойитиб юборади. Нутқ санъатида “татвил” (نطویل) деб номланувчи бундай бадий безаклар муҳим сўз ёки маъно тусини муболаға билан таъкидлаш учун хизмат қилади. Қуръонда синонимия ва омонимия масалаларини ўрганиш тафсир ривожининг янги истиқболларини очади. Бу борада Қуръоннинг лексикасини контекстуал таҳлил қилиш оятларни шарҳлашда фойдали бўлиши мумкинлигини ишонарли исботлаган Оиша Абдурахмон (1913–1998) тадқиқотлари алоҳида қизиқиш уйғотади (Е. Kuliyeв, 2010:156).

Қуръонда мавжуд полисемия турларини бир қанча ёрқин мисолларда кўриб чиқиш мумкин. Сўзларнинг турли оятлар таркибидаги турфа маъноларда келишини ўрганиш уларнинг семантикаси ва морфологияси муносабатларини ёритиб беради. Масалан, муфассирлар “рийҳ” (“шамол”) сўзининг Қуръонда одамларга ва ҳайвонларга фойда келтирадиган шамоллар ҳақида гап кетганда шамол сўзи кўплик (“рийҳ”) шаклида, яқсон қилувчи ва ўлим келтирадиган шамол ҳақида сўз юритилганда эса бирлик (“рийҳ”) шаклида ишлатилишига эътиборни қаратадилар. Бу сўз одатда кўплик шаклда қўлланилса, ахён-ахёнда эсиб турувчи турли йўналишга эга шамоллар назарда тутилади. Жазо сифатида юборилган шамол эса бутун кучи билан бир тарафга йўналтирилган – уй ва экинларни пайҳон қилиб кетувчи тўфон каби маънога эга.

Шу билан бирга, ҳар бир мисолда албатта битта истисно мавжуд. Масалан, айни “шамол” сўзида келтирилга мисолга биргина оят умумий қоидадан мустасно бўлади. Юнус сурасининг 22-оятдаги: “Сизларни қуруқликда ва денгизда кездириб қўйган Удир. Токи улар кемада бўлиб, уни ёқимли шамол елдириб кетаётганида...” жумласида, манфаатли шамол бирлик шаклида келган. Демак, айтиш мумкинки, Қуръондаги “рийҳ” сўзининг камида иккита “важҳи” – яъни тафсир қилинадиган маъноси бор.

Қуръонда келадиган полисемиянинг яна бир мисоли айнан истисно билан боғлиқ. Қуръонда тўрт (4) марта келган “буруж” сўзи учта (3 та) ўринда (Ҳижр: 16; Фурқон: 61; Буруж: 1) осмондаги юлдузларнинг тартибли жойлашувини – юлдуз буржларини англатган. Фақат бир (1) ўриндагина (Нисо: 78) у минора маъносида келган. Ушбу сўзни ҳамма ўринда бир хил таржима қилиб бўлмайдиган, акс ҳолда тушунмовчилик юзага келиши мумкин (Z. Faxriddinov, 2009). Демак, қоидага кўра, “буруж” сўзининг 4 та “назоири” бор, чунки ушбу сўз Қуръонда 4 марта учрайди. Аммо 2 та “важҳи” бор, чунки маъно жиҳатидан фақат икки хил тафсир қилиниши мумкин.

Истиснолар қоидаси нафақат сўзларда, балки, “ҳарф”ларда ҳам учрайди. Масалан умид ва истакни англатувчи “шоёд” – “лаъалла” (لَعْلَعْل) қўшимчаси, биргина ўринда (Шуаро: 29) “гўё” маъносида, салбий тусда ишлатилган. Бўлишсизликни англатувчи “лиалла” (لَيْلًا) қўшимчаси фақат бир ўринда (Ҳадид: 29) бўлишликни ифода қилиб келган. Ўз-ўзидан ушбу қўшимчаларнинг ҳар бирида иккитадан “важҳ” борлиги маълум бўлади.



Айрим замонавий тадқиқотчилар Қуръон сўзларининг бу қадар пурмаънолиги қисман исломдан аввал бир маънода қўлланилган арабча сўзларнинг исломдан кейин янги диний мазмун билан тўлдиргани билан боғлиқ дейдилар. Масалан, илгари фақат гувоҳлик маъносига эга “шаҳодат” шаҳидлик; умумий маънода дуо ва ибодатни англатган “салот” исломий ибодат тури – намозни англата бошлаши; луғавий жиҳатдан покланишни англатган “закот” сўзи диний солиқ турини англатиши; умуман олганда, ўқишни англатган “кироат” сўзи исломнинг муқаддас Китоби – “Қуръон”ни ўқиш маъноларини касб эта бошлашида кузатиш мумкин (Е. Кулиев, 2010:155). Исломдан аввал ҳам араб тилида мавжуд бўлган айрим сўзлар, исломдан кейин камида яна битта диний тусдаги янги маънога эга бўлди. Бу эса, ушбу сўзларнинг Қуръонда учрашида қандай “важҳ” – маъноларга эга эканига эътибор қаратишга ундайди.

Диний атамашунослик Қуръон матнида аниқ ва равшан акс этиб туради. Шу билан бирга, муфассирнинг бундай сўзлар юзага келган оятлар контекстини диққат билан ўрганиши талаб этилади, чунки айрим ҳолларда улар бирламчи лексик маънода ишлатилади. Масалан, оятларнинг бирида “закот” сўзи “поклик”, “самимият” (Марям: 13), салот сўзининг кўплиги (салавот) эса, “ибодатхона” маъносида қўлланган (Ҳаж: 40). Қуръон мисрасини англатувчи “оят” сўзи бир ўринда луғавий маънода келади (Шуаро: 128).

Мазкур сўзлар тилда диний атама сифатида қатъий ўрнашган бўлса-да, Қуръонда улар туб маъносида қўлланган ўринлар учрайди. Шунингдек, ҳозирда маъноси торайиб, фақат диний мазмундагина ишлатиладиган бўлиб кетган “Рабб” (Парвардигор), “абд” (банда) сўзлари Қуръонда “хўжайин” (Юсуф: 23) ва “қул” (Нур: 32) маъноларида қўлланилган. Баъзан замонавий таржималарда айна ҳолатлар эътиборга олинмай қолади.

Бошқа тарафдан оятлардаги сўзнинг пурмаънолиги умумий контекстдаги маънони мутлақо таъсир қила олмаслиги ҳам Қуръоннинг ўзига хос эъжоз услуби дейиш мумкин. Юсуф сураси 23-оятдаги жумлани тафсирларга таянган ҳолда:

“Аллоҳ сақласин! Дарҳақиқат, у хўжайиним, менга яхши паноҳ берди...” – деб ёки айна жумлани:

“Аллоҳ сақласин! Дарҳақиқат, У – Раббим – мен учун энг яхши паноҳ берувчидир...” – деб таржима қилинса ҳам маъно умумий контекстдан бурилиб кетмайди.

Ёки Маориж сураси 43-оятдаги “нусуб” сўзи мушриклар сиғинган бут-санамларни ҳам, олдинда турган мақсадни ҳам англатади. Шу жиҳатдан оятдаги жумлани “бут-санамларига талпингандек”, деб таржима қилинса ҳам, “бирор мақсадга интилгандек”, деб таржима қилинса ҳам, контекстда айна маъно қолади. Мана шу Қуръондаги ҳам бир сўз ва жумланинг пурмаънолигини очиб берувчи омиллардан биридир.

“Вужуҳ ва назоир” илмининг услубларига назар солинадиган бўлса, Қуръон оятларидаги муайян бир сўзга турли ўринларда турлича маъно берилаётганида бир неча жиҳат кўзга ташланади:

- сўзнинг умумий контекстда (сиёқ) қандай маъно англатиши;
- сўзнинг этимологияси;
- сўзнинг араб тилида қайси маъноларда қўлланилиши;
- сўзнинг матндаги бошқа ўринларда қўлланган ўзакдошлари;
- сўзнинг диний семантикаси;
- мантикий далиллар.

Контекст масаласи соҳага оид барча асарларда бирламчи аҳамиятга эга. “Вужуҳ ва назоир”га оид асарларда одатда ҳар бир сўзга алоҳида боб ажратилган. Ҳар бир боб ўзи учун ажратилган сўзнинг “назоир” эканини билдиради. Бобнинг ичида “назоир”нинг маънолари, яъни “важҳ”лари бирма-бир санаб ўтилади. Масалан, “ҳуда” (ҳидоят) ёки “куфр” сўзлари қайси оятда нима маънода келгани айтилиб, мисол тариқасида ўша оят келтирилади. Аммо нима сабабдан маъно ўзгариши юзага келгани изоҳланмайди. Ўқувчи биринчи навбатда контекстга эътибор қаратади ва сўзнинг ушбу контекстда бошқача тушунилиши мумкин эмаслигини англаб етади. Яъни, асосий далил (аргумент) – матннинг ўзи. Аксар муаллифлар бошқа далилларга мурожаат қилмайдилар.

Ҳаким Термизий “Таҳсил назоир ал-Қуръон” асарини айна услубга бироз танқидий ёндашган ҳолда ёзган. Унинг фикрича, битта сўзни турли ўринда турлича тафсир қилиб, уни сабабини очиб бермаслик масалага ойдинлик киритиш ўрнига кўпроқ чалкашликни юзага келтиради. Шунинг учун ҳам аллома ҳар бир сўзнинг тафсири унинг ўзида мавжуд хусусиятлар билан ўзагига қайтишини исботлашга киришади. Бунинг учун у кўплаб далиллаш услубларидан фойдаланади (М. Термизий 1969).

Сўзларнинг маъносини ифодалашда “изоҳ”, “шарҳ”, “маъно” билан бир қаторда сўзнинг



“тафсир”и атамасини қўллаш мумкин. Ҳозир одатда, “тафсир” сўзи Қуръоннинг тўлиқ шарҳи ёки бир бутун оятнинг шарҳига нисбатан қўлланилади. Бироқ соҳага оид классик манбаларда оятлардаги алоҳида сўзларга берилаётган маънолар ҳам “сўзнинг тафсири” дейилган. Аслида, оятларнинг тафсирига оид маълумотларни ўрганмай туриб, уларда келган бир хил сўзга турли ўринларда турфа маъно бериш қийин масала. Шунинг жиҳатдан бу соҳа Қуръон ва тафсир илмларининг бошқа соҳалари билан боғланиш касб этади.

Замонавий тадқиқотлар қаторида Қуръони каримга баёний тафсир ёзган Оиша Абдуррахмоннинг издоши ва шоғирди мисрлик олима Салво Муҳаммад ал-Авонинг “ал-Вужух ван-назоир фил-Қуръон ал-карим” асарини ҳам эътироф этиш керак. Ушбу илмий асар XX аср охирларида яқунланган бўлиб, “вужух ва назоир” илмида ёзилган асарлар силсиласида энг сўнггисидир (S. Avo, 1998).

“Вужух ва назоир” илмида турк тадқиқотчилари томонидан бир қатор мақола кўринишидаги тадқиқотлар ҳам амалга оширилган. Турк олимлари орасида ушбу мавзуга алоҳида ўрин ажратган Сулаймон Қояни зикр этиб ўтиш лозим. Унинг Ҳаким Термизийнинг “вужух ва назоир” илмига қўшган ҳиссасини ёритишга қаратилган “Ҳаким Термизийда вужух ва назоир” асари ва бир қанча мақолалари мавжуд. Бундан ташқари Мустафо Қорағўзнинг “Вужух ва назоир тушунчасининг таъсири ва муаммолари”, Нажмиддин Ишиқнинг “Қуръони каримда “матар” калимасининг маънолари (Вужух ва назоир доирасида)”, Мурат Қоянинг “Қуръонда вазн, меъзон, мавзун калималари – вужух ва назоир доирасида бир тадқиқ”, Аҳмет Қорадоғнинг “А-х-з” феъли билан тусланишларнинг Қуръони каримдаги маънолари ва тафсирларда акс этиши” каби мақолаларини келтириш мумкин (А. Атеş, 2020:3). Булар бугунги кунга қадар амалга оширилган кам сонли тадқиқотларни ташкил этади.

“Вужух ва назоир” илмининг муҳим жиҳатларидан бири айнан шу каби масалаларда Қуръони каримнинг замонавий таржима ва тафсирлари тўғри йўналтирувчи методик асос бўлиб хизмат қила олишидир. Чунки Қуръон араб тилида бўлгач, ўз навбатида уни бошқа тилга таржима қилганда ўгирилаётган тилдаги сўзлар эквиваленти имкон қадар оригиналга яқин бўлиши мақсадга мувофиқ. Шундагина илмий, адекват ва академик таржима матнига эга бўлиш мумкин. “Вужух ва назоир” илмига оид асарлар Қуръондаги муайян сўзнинг қайси ўринда қандай маънода келганини кўрсатиб берувчи тайёр дастур бўлиб хизмат қилади.

Таржима ва тафсирларда эса, оятда келган сўзнинг “важҳ”ига мувофиқ маънога эга эквивалент сўз топишга ҳаракат қилинади.

## ХУЛОСА

Бугунга келиб, “вужух ва назоир” илми ҳозирги даврдаги Қуръон илмлари ва қуръоншунослик фанлари доирасида ўрганилмай қолганини ҳам таъкидлаш лозим. Хусусан, араб оламида нашр этилаётган Қуръон илмларига оид адабиёт ва тадқиқотларнинг кўпида классик манбаларда учрайдиган “носих ва мансух”, “мутлақ ва муқайяд”, “ом ва хос” каби жуфт категорияларнинг барчаси зикр этилгани ҳолда “вужух ва назоир” бўлими мавжуд эмас (M. Qatton, 1990). Бунинг ўзига яраша тарихий-ижтимоий сабаблари бор, албатта.

Қайд этиб ўтиш керакки, ислом оламида ушбу соҳани ёритишга қаратилган алоҳида академик тадқиқотлар ҳам амалга ошириб борилмоқда. Булар қаторига Муҳаммад Нуриддин Мунажжиднинг “Қуръони каримдаги лафзий муштараклик: назариёт ва татбиқ ўртасида” (N. Munajjid, 1999) тадқиқот асарини келтириш мумкин. М. Мунажжид Қуръон ва араб тилидаги полисемияни ўрганишнинг муҳим жиҳатлари ва бугунги кундаги аҳамиятини очиб берган. Унинг фикрича, замонавий назарий асос бўлмас экан, ўрта асрларда битилган асарларни тўғри англаш муаммоси ҳал бўлмайди. Бу мақсадни амалга ошириш учун у “вужух ва назоир” илмига оид еттига манбани қиёсий ўрганиб чиққан ва улардан бешта муаллифнинг асарларидаги хулосаларни жамлаган.

Аммо бу каби тадқиқотлар соҳа бўйича оз сонли амалга оширилаётган ишлардан баъзилари бўлиб, ўзбек тилидаги Қуръон илмлари ҳамда қуръоншуносликка оид адабиётларда ҳам айни ҳолат кузатилади. Ваҳоланки, ҳозирги кунда диний манбалар матнида келган сўзларнинг маъносини илмий асосда очиб бериш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. “Вужух ва назоир” илмига эътибор билан қаралса, ҳозирги турли экстремистик оқимлар вакиллари томонидан инкор қилиниб, кескин рад этилаётган “таъвил” – Қуръондаги кўчма маънога эга сўзлар ва ибораларнинг мавжудлиги, мажоз ва ҳақиқат муаммоларини асослаб бера оладиган илм экани ойдинлашади. Чунки айнан ушбу соҳа Қуръондаги бир сўзнинг 20 га яқин маънода ишлатилиши мумкин эканини факт даражасида кўрсатиб бера



олади. Бу эса турли оқимлар томонидан тор доирадагина талқин қилинаётган айрим диний атамаларнинг бундан бошқа кўплаб маънолари борлигини исботлаб берувчи хусусиятдир. Хусусан, Заркашийнинг таъкидлашича, ҳар қандай лафз камида иккита ҳақиқат (моҳият) ёки ҳақиқат ва мажоз муштараклигидан иборат. Шу сабаб, бир сўз ҳар иккала маънони кўтариши тўғри бўлади (В. Zarkashiy, 2006). Бу эса, таъвилни инкор қилувчилар ва оятларнинг фақат зоҳирини қабул қилиш керак деган даъволарга асосли раддиядир.

Айниқса, Муҳаммад Ҳаким Термизий меросининг бу борадаги аҳамияти жуда катта. Сабаби, Ҳаким Термизий Қуръон оятлари, сўзларидаги кўпмаънолилиқ хусусияти Қуръондаги муайян сўзнинг ички ўзак хусусияти бўлиб, ушбу сўзларни юзаки маъносидан кўра, теранроқ бошқа маънода тушуниш табиий ҳол экани, бу уни бузиб талқин қилиш бўла олмаслигини батафсил асослаб берган. Бу эса “таъвил” тушунчаси динда янгилик эмаслиги, балки жумладан кўзланган том маънони теранроқ очиб беришга хизмат қилувчи зарурий илм эканини исботлайди.

Демак, “вужух ва назоир” илми Қуръон илмлари таркибига кирувчи ҳамда тафсир ва таъвил асосларидан бири бўлиб хизмат қилувчи муҳим соҳалардан биридир. Ҳозир исломшунослик фанлари доирасида бу соҳани жонлантириш ва ривожлантириш самарали натижалар беради.

Ҳозир Қуръони каримнинг ўзбек тилига қилинган таржималари сони 10 га яқинлашиб қолгани ҳолда, ушбу таржималар кўпроқ оддий китобхонга мўлжалланган диний-маърифий оммабоп нашрлар қаторига киради. Мутахассислар фойдаланиши ёки умуман илмий жамоатчилик истифода этиши учун тўлиқ академик ва илмий изоҳли таржимага эҳтиёж бор. Бундай таржимани амалга оширишда замонавий қуръоншунослик ютуқлари билан бир қаторда, мумтоз Қуръон илмлари, айниқса, ҳозир яхши самара бериши мумкин бўлган, аммо унутила бошлаган мумтоз илмий соҳалардан кенг фойдаланиш имконияти мавжуд. Демак, “вужух ва назоир” илми ҳам ҳозирга қадар ўз долзарблигини йўқотмаган.

#### МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Abdurrahmon A. Al-Fath ar-Rabboniy li-tartibi Musnadi al-Imom Ahmad. – Qohira: Dor ihyo at-turos al-arabiy. Nashr yili ko'rsatilmagan. J. 3.
2. Avo S.M. Al-Vujuh van-nazoir fil-Qur'on al-karim. – Bayrut: Dor ash-shuruq, 1998.
3. Ateş A. Kur'an çevirisine etkisi bakımından Vücûh ve Nezâir: Sebîl kelimesi örneği. Harran Üniversitesi İlahiyat Fakültesi Dergisi. 2020.
4. Buxoriy, Muhammad ibn Ismoil. Qur'on tafsiri kitobi // al-Jome as-sahih. Tarj. R.Obidov. – Toshkent: Qomuslar bosh tahririyati, 1995.
5. Suyutiy, Jaloludin. Al-Itqon fi ulum al-Qur'on. – Bayrut: Muassasa ar-risola, 2008.
6. Suyutiy, Jaloluddin. Mu'tarak al-aqron fi e'joz al-Qur'on. – Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiya, 2007.
7. Farohidiy, Xalil ibn Ahmad. Kitob al-ayn. – Bayrut: Doru-l-kutubi-l-ilmiya, 2003.
8. Faxriddinov Z. O termine "Burudj" v Korane. TIU axborotnomasi. 2009.
9. Ibn al-Munzir. Lison al-arab. – Bayrut: Doru Sodir, 1300/1883. J. 5.
10. Ibn al-Javziy. Nuzhat al-a'yun an-navozir fi ilm al-vujuh va an-nazoir. – Bayrut: Muassasa ar-risola, 1987.
11. Kuliyeв E. Leksika Korana // Koranovedeniye: Uchebnoye posobiye / E.R. Kuliyeв, M.F. Murtazin. – Moskva: MIU, 2010.
12. Munajjid N.M. al-Ishtirok al-lafziy fil Qur'on al-karim: bayna an-nazariya vat-tatbiq. – Damashq: Dor al-fikr, 1999.
13. Muqotil ibn Sulaymon. Al-Vujuh va an-nazoir fi-l-Qur'on al-azim. – Bag'dod: Markaz Jum'a al-Majid li-s-saqofa va at-turos, 2006.
14. Navaviy. Al-Minhoj – sharhi Sahihi Muslim ibn Hajjoj. – Qohira: 1929. J. 6.
15. Obidov R. Qur'on, tafsir va mufasssirlar. – Toshkent: Movarounnahr, 2003.
16. Qatton M. Al-Mabohis fi ulum al-Qur'on. – Qohira: Maktaba vahbiya, 1990.
17. Qinavjiy Siddiq ibn Hasan. Abjadu-l-ulum. Nashrga tayyorlovchi A. Zakkor. – Damashq: Manshurot vizerati-s-saqofa va-l-irshodi-l-qavmiy, 1978.
18. Termiziy Muhammad al-Hakim. Tahsil nazoir al-Qur'on. – Qohira: Matbaa as-saoda, 1969.
19. Zarkashiy Badruddin. Al-Burhon fi ulum al-Qur'on; – Qohira: Dor al-hadis, 2006.

